





Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, тақдиринг ҳазилини қарангки, Россия беш йил мустақил ривожлангандан сўнг янги мустақил Россиянинг Президенти Борис Ельцин юрак-қон томири операциясига мухтаж бўлиб қолди. Россия жамияти ва давлати фаолиятининг давлат организмидан юраги ва миясини таъминлаб турган қон томирларида тикинлар пайдо бўлмаган бирор соҳаси йўқ.

янги-янги ҳуқуқларни, ваколатларни қўлга киритди. Федерация субъектлари маъмуриятлари бошқилари ҳамда республикалар президентлари демократик сайловдан сўнг Москванинг минтақаларга таъсири яна ҳам суяйиб кетишини кутиш мумкин. Федерал ҳокимият ресурсларни марказга тобора камроқ сафарбар этмоқда ва оқибатда минтақаларга нисбатан таъсир кучини йўқотмоқда, чунки ресурсларни қайта тақсимлаш имкониятлари тобора камайиб бормоқда -- бу

мумкин, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Сановат, илм-фан, таълим ва ижтимоий инфратузилмани деярли тўла-тўқис ваيران қилиш эвазига пул қадризи-ланишининг олди олинди. Лекин бу иқтисодийнинг мавжуд секторига сармоя солишни кўпайтирмади. Пулнинг доимий етишмаслигидан бутунлай ҳолдан тойган иқтисодиёт маблағ талаб қилмоқда, пенсионерлар -- пенсия, талабалар -- стипендия, ишчилар -- иш ҳақи талаб қилмоқда, давлатда эса пул йўқ. Россия ҳокимияти халқаро валюта

металлар ишлаб чиқариш соҳасидаги энг лаззатли луқмаларни эгаллаб олди. Бироқ улар бюджетдан маблағ олма-май ва хорижий сармояни жиддий жалб этмай туриб, янги олинган компанияларни ишга туширишга қодир эмас. Бундан бозор ислохотлари натижасида биз самарали ишлайдиган давлатга ҳам, самарали ишлайдиган мулк эгасига ҳам, самарали ишлайдиган бозор механизмлари ва тартибига ҳам эриша олмадик.



«Қаршиқурилиш» бирлашмасининг 400 нафарга яқин курувчилари Қороғубазор нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида фаол иштирок этишяпти. Улар шу кунгача 96 ўринли ишчилар ётқонхонаси ва саккиз оилага мўлжалланган тўртта коттеджни қуриб битказишган эди. Яқинда улар 624 ўринли мактаб биносини ва 38 та коттеджни ҳам қуриб, фойдаланишга тахт қилиб қўйишди. СУРАТЛАРДА: кўча қурилиш колоннаси бошлиғи Мурод Худойкулов, муҳандис Зафар Турсунов ва нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида; қурилаётган икки ўй-жойлар. Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

# Янги Россия беш йилда

Шу беш йил якунлари кўнгилдагидек эмас, деб ҳисобламоқда президент кенгашининг аъзоси Андриик Мигранян

тузулмаларидан юқоридадир. Бироқ Борис Ельцин янги Конституцияда мустақамлаб қўйилган, деярли чекланмаган ваколатлари билан ҳам ҳокимиятни жиёслаштириб олди. Россияда беш йиллиги институтлар ҳанузгача жуда ожиз. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқаруви ва ижроия органларининг қарорларини амалга оширишга қодир эмас. Аҳолини сиёсий сафарбар этиш имкониятлари жуда кам, чунки янги сиёсий партиялар ҳали-ҳануз шаклланиш босқичида турибди. Порахўрлик давлатнинг қудратли тузилмаларини емирмоқда. Натижада доимо турли фақулдада тузилмалар барпо этилмоқда, лекин федерация субъектларида федерал қонунлар олдин қандай бажарилмаган бўлса, ҳозир ҳам шундай бажарилмапти. Солиқлар йиғилмангач, жиноятлар фош қилинмапти. Армия ва Ички ишлар вазирлиги кучлари 1994 декабрдан 1996 йил августга давом этган Чеченистон уруши вақтида маънавий ва жанговар тайёргарлик даражаси ўта пастрлигини кўрсатди.

ҳол ҳам марказнинг таъсири пасайишига олиб келмоқда. Шу билан бир вақтда федерациянинг 89 субъектидан фақат ўнтаси ўзини ўзи таъминлашдан ташқари федерация бюджетига маблағ ажратилишини, қолганлари эса давлат бюджетига қарамлигини таъкидлаш керак. Яқин пайтдан буюн бюджетни таъминлаётган субъектларнинг федерал марказга ва боқиманда минтақаларга нисбатан ўзаро келишиб ҳаракат қилиш мақсадида жиёслашиш жараёни давом этмоқда. Бу соҳада янги мождорлар етилмоқда, улар Россия давлатчилиги яхшичилигига ҳавф солиши мумкин ҳамда мамлакатдаги бошқаришни қийинлаштирувчи жараёнларни кучайтиради.

Иқтисодий сиёсат яна бир соҳада бутунлай муваффақиятсизликка учради. Гап ҳусусийлаштириш тўғрисида бормоқда. Россияда давлат мулкни ёппасига ҳусусийлаштириш шунга олиб келдики, мамлакатда саломатлиги ишлаб оладиган мулк эгаси деярли қолмади. Давлат иқтисодиётини бошқариш дастлақларини қўлдан чиқариб юборди, янги мулк эгалари эса корхоналарни рақобатбардорлиги қилиш учун уларни яппашга қодир эмаслиги маълум бўлиб қолди. Корхоналарни янгилаш учун маблағ ҳам, малякали менежмент ҳам етишмасди. Бир қанча молия тузилмалари ҳукумат амалдорлари ёрдамида таровга қўйилган қимомши савосида орқали энергия манбалари, қора ва рангли

## ХИФЛАР ИШ БОШЛАДИ

Наманган қимматли қоғозлар бозорига «Олтин инвест» ҳусусийлаштириш инвестиция фонди (ХИФ)нинг акциялари сотила бошлади. Бу фонд вилоятда биринчи бўлиб, ўзи харид қилган акцияларни тарқатиш ҳуқуқини олди. «Олтин инвест» ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ, бироқ аҳолига сотилган акцияларнинг умумий қиймати ҳозир 100 миң сўмдан ошиб кетди.

Бу дастлабки қадамлар, холос, -- деди республика қимматли қоғозлар бозори ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази вилоят бўлимининг бошлиғи Ботир Мамадалиев. -- Яқин вақт ичида вилоятда яна иккита ХИФ ишлаш бошлайди. Вилоятда ташкил этилган иккита ХИФ учун лицензия олиш мақсадида ҳужжатларни расмийлаштирмоқда. Яқин орада наманганликлар ХИФлар орқали ўзлари хоҳлаган етакчи корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш имконига эга бўладилар. Мутахассисларнинг фикрича, бўлажак акциядорлар қайси ХИФдан акция сотиб олиш тўғрисида тасарруф қилишга қарор қилишлари керак. Бу уларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, чунки барқарор фойда келтириб ишлаётган, янгидан ҳусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматли қоғозларини жалб этиш акциялар қанчалик тез сотилишига боғлиқ. Бу -- ўз навбатида ХИФ акциялари ҳисобидан катта фойда олишни таъминлайди.

Н. ХУЖАЕВА, ЎЗА мухбири.



Турақурғон тумани матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли озиқ-овқат қолбана-тида бузғини кунда 34 киши меҳнат қилмоқда. 1990 йилда ташкил этилган бу корхонада ҳозирда ширмовий, қандолат, макарон ишлаб чиқариш ва рўмол тўқиш цехлари ишлаб тургани ҳолда, 18 хил маҳсулот тайёрламоқда ва ойига 300 миң сўмлик сифатли маҳсулотлар аҳолига сотилипти. СУРАТЛАРДА: (чапдан) қандолатчилар Гулзола Абдурахмонова, Ойдин Усмонова ва Гулбахор Отабегова; янги нон цехи нововиллари Махфуза Ҳамедова ва Раъно Олимқонова. Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар. (ЎЗА)



## Долзарб мавзу

Дарҳақиқат, социалистик ҳужалик юритиш услуби бўлган ва кўп жойларда ҳозиргача амал қилиб келинаётган -- бригада жамоа пудрати ўзини оқламади. Бундай иш юритиш одамларни боқимандаликка, дангасаликка ўргатиб қўйди. Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам баб-баравар манфаат кўриши оқибатида Жаззах вилотида кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиги «ўтириб» қолди. Пахта, галла ва бошқа моддий бойлик манбаи бўлган асосий маҳсулотларини етиштириш; давлатга сотиш режалари сурункали барбод этиб келинди.

Хўжаликларнинг иш ҳақи учун берадиган қарзлари ортиб бораверди. Энг ёмони, ер эгасини тоғди, деган бир пайтда деҳқонларда янгиликка интилиш сезилмаётгандай, раҳбарларга ишонч йўқолгандай ҳолат юзага келди. Бунинг асосий сабабларидан бири -- бозор иқтисодининг «ҳўжалик юритиш натижасидан шахсий манфаатдорлик» қондаси бузилгани бўлди. Зеро, шахннинг жисмоний ва маляка имкониятлари фақат моддий манфаатдорлик орқали уйғонишини фан ҳам, ҳаёт ҳам исботлаган.

Ана шу ҳулосалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги жуда қисқа вақт ичида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида бирмунча ижобий тадбирлар амалга оширилди. Жумла-

дан, Вазирлар Маҳкамаси ҳусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг йирик мутахассислари воҳалда иқтисодий ислохотлар аҳволини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Контракция шартномалари масаласига бағишланган семинар-бирлар аҳволини ўрганиб, йўл қўйилган хато-камчиликларни жойида йўқотиш бўйича амалий маслаҳат беришяпти. Маҳаллий мутахассислар, деҳқонлар томонидан яратилган янгиликларни, илгор тажрибаларни омаллаштириш бўйича аниқ тавсиялар иш-

ладиган ерлар ажратилиб, экиладиган экин турлари аниқланяпти. Бу билан ёнма-ён якка тартибда ишлайдиган ижарачилар оиласида ердан унумли фойдаланиш ва яхши ҳосил олиш учун имконият, ишчи кучи етарлими-йўқми, бу ҳам ўрганилиб, кейин рўйхат тузишмоқда. Хозирга қалар Жиззах вилотида кўпинча шартнома шартларига амал қилинмасди. Яъни, ижарачи шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча етиштирган ҳосилини ҳам ололмади. «Аввал режани бажарайлик, ҳақининг кейин оласан», дея дўқ қилувчилар кўпайиб кетарди. Энди бунга чек қўйилди. Айнан шундай машмашаларга йўл қўймаслик учун комиссиялар таркибига туман прокурорлари, ички ишлар бўлими бошқилари киритилди. Бунга қўшимча, юқорида айтганимиздек, деҳқончилик бўйича маслаҳат кенгаши, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, касабга уюмалари ҳам ижарачилар тарафида бўладилар.

Бутун ҳаёт талаби битта: деҳқонни бойитиш, мамлакатни обод қилиш учун аввало, қишлоқ хўжалигини кўтариш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш керак. Ҳеч иккиланмасдан, бозор иқтисоди қонунарига эид бўлмаган иқтисодий ўзгаришларни дадил жорий этганлар ютади, албатта.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ИЖАРА ПУДРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Азия вилотида қончили Республика иккита ташкилот криминалистика марказининг жамоаси марказ катта илмин хозими Х. Комилшова ўр йулдони	Амраф КОМИЛОВнинг вафоти этганини муносабати билан чуқур тазия издор этиди.
Ўзбекистон телевидиокомпанияси республика радиоси жамоаси мушкел муҳаррири Аҳмадқон Рузметов отади	Рузметов КАМБАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия издор этиди.
Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги қончили Меҳнат Аҳоли бандлиги ва иккитали муҳавалани муаммоларини ўрганиш республика илмин маркази жамоаси марказининг бўлим муллари, иккитали филиал доктори	Чўғат РУЗИМАТОВнинг вафоти этганини муносабати билан муҳумининг оила аъзолари ва яқинларини чуқур тазия издор этиди.
Ўзр Фа М.Т.Уроғбеов номлиги механика ва илпошлар себимка мушкелликни институти жамоаси директорининг илмин ишлар бўлими муулони, техника филиал доктори А. А. Рузметов отади	НАБИСА АЛИЕВнинг вафоти этганини муносабати билан чуқур тазия издор этиди.
«Тошкент потасис» давлат ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси уруш қатнашчиси, корхона фахрийси	Абдулла БУДЛОШЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур тазия издор этиди.
«Ўзқишлоқхўжалиқоттириш» Давлат қўмитаси республика таъминот ошборхонаси жамоаси ошборхона раҳбари	Бойматқот ИБЕЗМЕТОВнинг бевак вафоти этганини муносабати билан маркумининг оила аъзоларига ҳамда қариношларига чуқур тазия издор этиди.
«Ўзбектелеком» қонкерни жамоаси Шаҳидларро алоқа ва телевидение хўжали ишлаб чиқариш бирламаси бошлиғи	Т.О. Ораббаева отади
	Махбал СЕРИКБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия издор этиди.

